



**МИНИФОКОМ
ВЫСТУПИЛ
С ПРЕДЛОЖЕНИЕМ
ОТКРЫТЬ ОФИС
РАЗРАБОТКИ
MICROSOFT В
УЗБЕКИСТАНЕ**
5-бет.



**ДУНЁДАГИ
БИРИНЧИ
КРИПТОВАЛЮТА
КАРТАСИ
ЧИҚАРИЛАДИ**
6-бет.



**АЛОҚА
ТАРИХИ
МУЗЕЙИГА
САЁХАТ**
8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

16 (1542)-son
22-aprel
2022

@xabaruzofficial
@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/

U'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида 20 апрел куни Халқаро молия корпорацияси (IFC) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда АКТ вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос иштирок этди.


Учрашувда бир қатор истиқболли йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, IT-тадбиркорлик ва стартап экотизимларини ривожлантириш доирасида ҳамкорлик қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, Халқаро молия корпорацияси вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган рақамли ислохотлар, хусусан, хорижий компаниялар, IT-мутахассис инвесторлари учун яратилаётган шарт-шароитларни юқори баҳоладилар. Томонлар ҳамкорликни ривожлантириш учун юқори салоҳият мавжудлигини қайд этиб, ахборот технологиялари соҳасида шерикликни ривожлантириш учун барча сазой-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

ЭНГ ИННОВАЦИОН КОМПАНИЯЛАР

(2020 йилда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига энг кўп харажат қилган компаниялар)

1. Amazon – \$42,7 млрд.
2. Alphabet – \$27,6 млрд.
3. Huawei – \$22,0 млрд.
4. Microsoft – \$19,3 млрд.
5. Apple – \$18,8 млрд.
6. Samsung – \$18,8 млрд.
7. Meta – \$18,5 млрд.



АКТ вазири:

МАҚСАД АНИҚ, ИЖРОСИ УЧУН БИРЛАШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ШАРТ

Жорий йилнинг 14 апрел куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги ҳамда соҳада 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилган энди. Унда Давлатимиз раҳбари томонидан АКТ соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилганди. Ҳақиқатда “Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириб, IT хизматларини 2,5 баробар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш бўйича катта-катта мақсадларни қўйдик. Бир нарсани аниқ тушуниш керак: ушбу соҳа ривожланмаса, бошқа бирор бир тармоқ олдинга юрмайди”, дея АКТ соҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталган эди Президент. ➡

Қулайлик

EnergоWiki МОБИЛ ИЛОВАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Энергетика вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги “Ўзэнергоинспекция” томонидан EnergоWiki мобил иловаси ишлаб чиқилди.

Мазкур илова истеъмолчиларга Энергетика вазирлиги ва унинг тизимидаги барча ташкилотлардаги сўнги янгиликлар, онлайн мурожаат

қилиш ва истеъмолчиларнинг саволларига тезкор жавоблар, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа бир қатор қулайликларни тақдим этади. Шунингдек, илова орқали электр энергияси ва газ учун онлайн тўлов тизими, ҳисоб-китоб ҳолати бўйича шахсий кабинет ойнаси каби хизматлар йўлга қўйилди.

Иловани GooglePlay тизими орқали телефонингизга bepul ўрнатиб олишингиз мумкин. Мобил илова дастури автоматлаштирилган ҳолда янгилаб борилади. Илова айна пайтда андроид амалий тизими учун мавжуд бўлиб, яқин кунларда IOS (AppStore) амалий тизими қурилмалари учун ҳам яратилади.





Жумадан
жумагача

14 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Сўхбат аввалида Ўзбекистон етакчиси Венгрия Хукумати раҳбарини “ФИДЕС” – Христиан-демократик халқ партияси коалицияси ушбу мамлакат парламентида сайловда ғалаба қозонгани билан самимий табриқлади. Мулоқот давомида фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, банк-молия соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 14 апрел куни ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар ва жорий йилги вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда хизматлар қўламини мунтазам кенгайтириб бориш, соҳада экспорт ҳажминини шу йил якунига қадар 100 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди. IT-Паркларга кўпроқ компанияларни жалб қилиш, масофавий хизматлар марказлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу орқали яна 5 мингдан зиёд ёшлар юқори даромадли ишга эга бўлади. Йиғилишда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастуридаги лойиҳалар ижроси ҳам таҳлил қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрел куни қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ривожлантириш режалари тақдимоти билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмиюда 15 апрел куни озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 18 апрел куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди. Унда “Янги Ўзбекистон” университети замонавий ўқув кампуси ва Яшнобод туманидаги “Технопарк” ҳудудида аквапарк барпо этиш, Юнусобод туманидаги Астрономия парки ҳудудида гуллар боғи барпо этиш лойиҳалари қўздан кечирилди. Тақдимотда шаҳарлараро йўл инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев расмиюда 19 апрел куни маҳаллабай ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

АКТ вазири: МАҚСАД АНИҚ, ИЖРОСИ УЧУН БИРЛАШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ШАРТ



19 апрел куни мазкур йиғилишда белгилаб берилган вазифа ва топшириқлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси видеоконференцалоқа тизими орқали бўлиб ўтди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Буни биргина шу йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишларни ўзида жам этган иқтисодий кўрсаткичлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, АКТ соҳаси бўйича хизматлар ҳажми 2021 йилда 17 трлн. сўмдан ошган. Ўтган йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 3,4 трлн. сўм бўлса, жорий йилнинг шу даврида 4,6 трлн. сўмга етди, яъни фоиз ҳисобида ўсиш 135 фоизни ташкил қилди. Йил якунига қадар бу йўналишда хизматлар ҳажминини 21,2 трлн. сўмга етказиш режалаштирилган.

Йиғилиш давомида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ҳайъат раиси Шерзод Шерматов бундай аниқ мисолларни кўп келтирди.

– 2019 йилда IT-Парк резидентларида атиги 4000та одам ишлаган бўлса, ҳозир 11,5 мингта одам бўлди,

лекин бу жуда кам деб, йиғилишда Президентимиз янги вазифа қўйдилар, – деди АКТ вазири. – Бундан бугега энг катта мақсадимиз экспорт билан юқори маошли ишчи ўринлар яратишдир. Йилнинг охиригача бу кўрсаткични 15 мингга, кейинги йилга 30 мингга, ундан кейин 50 мингга чиқаришимиз керак. Бу катта вазифа. Шунинг учун ҳаммамиз бирлашиб ишлашимиз керак. Ундан ташқари “айти” соҳасида ўзини-ўзи банд қилган шахслар тез орада 20 мингга етди. Йилнинг охиригача 23800, деярли 24000 одам бўлади. Буни ҳам кўпайтиришимиз лозим. Жойларда ҳудудимиз раҳбарлари шу одамларни ҳам билиши, ўрганиши керак, керак бўлса учрашувлар ўтказиш зарур. 20 минг одам, 20 минг ишчи кучи катта рақам. Асосий вазифамиз – Ўзбекистоннинг минтақавий айти-марказига айлантириш.

Шунингдек, йиғилишда соҳа раҳбари республикамизнинг барча ҳудудларида “айти” мутахассислар ва компаниялар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бу орқали ҳудудларда ҳам ушбу тизимни ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан

АКТ вазирлиги мутасаддилари тегишли чора-тадбирларни маълум қилишди. Хусусан, АКТ вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос IT-тадбиркорлик, электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш, ҳудудлар ва тармоқларни янада рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритган бўлса, АКТ вазири ўринбосари Жамол Махсудов телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида, АКТ вазири ўринбосари Дониёр Рустамов ахборот хавфсизлиги йўналишида режалаштирилган ишлар ҳақида ахборот берди. Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Бахтиёр Маҳмамов университетни илм-фан ва таълим кластерига айлантириш, Вазирликнинг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси Гулом Қурбонов ва Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зафар Каримовлар ҳудудларда амалга оширилаётган ҳамда режалаштирилган ишлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳайъат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Ҳамкорлик

КОНСАЛТИНГ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ



2022 йил 19 апрел куни Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказида Корея Республикасининг MOON Engineering компанияси билан “Электрон ҳукумат тизимида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини яратиш” лойиҳаси бўйича консалтинг хизматларини кўрсатишга шартнома имзолаш маросими ўтказилди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси билан молиявий ҳамкорликда “Электрон ҳукумат тизимида маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг устувор чора-тадбирлари тўғрисида қарорига асосан амалга оширилмоқда.

Маълумот учун: MOON Engineering компанияси 1990 йилда ташкил этилган. У Корея Республикасининг АКТ бўйича консалтинг, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида етакчи муҳандислик компанияларидан бири ҳисобланади.



Қашқадарёда АКТ мутахассислари тайёрлашда БАРЧА ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ

Айни дамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шерзод Шерматов Қашқадарё вилоятида хизмат сафарига бўлиб турибди.

Аввалроқ, яъни 17 апрел куни Ш.Шерматов бошчилигида вилоят аҳолиси томонидан АКТ соҳасида дуч келадиган муаммолар ва уларни бартараф этишга бағишланган сайёр қабул ўтказилди. “Qarshi Technopark” МЧЖда ташкиллаштирилган ушбу қабулда жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сайёр қабулда вазирлик тизимидаги соҳа қорхона, ташкилот ва муассасалар, мобил алоқа операторлари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари мобил ва стационар кўргазмалар бурчаклари билан қатнашди.

Қабул давомида фуқаролар телекоммуникация хизматлари, хусусан, телефон ва почта алоқаси, мобил алоқа, интернет хизматлари сифати, олий таълимда ўқитиш сифати, ВРО марказларини ташкил этиш, илмий салоҳиятини ошириш, фрилансерлик ва аутсорсинг хизматларини ривожлантириш, IT соҳасида инвестициялар жалб қилиш, дастурий маҳсулотлар экспортини ошириш, бўш турган

бино ва хоналардан мақсадли фойдаланиш, IT-йўналишида ўзларини қийнаётган аниқ муаммо ва масалалар кўтарилди ҳамда АКТ технологиялари хизматлари сифатини ошириш бўйича таклифларини билдирди.

Соҳа қорхона ва ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган телефон, интернет почта алоқаси, мобил алоқа, интернет хизматлари сифати, таълим сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларига инвестициялар жалб қилиш, таълим сифатини ошириш ҳамда IT йўналиши бўйича мурожаатлар орқали келиб тушган муаммолар жойида ҳал этилди. Ўрганиш қўшимча муддат талаб қиладиган мурожаатларда назоратга олинди.

Сайёр қабулда иштирок этган аҳоли вакиллари, талаба-ёшлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бу каби халқ қабулларини мунтазам ўтказиб бориш ҳар томонлама алоқа мустақамлиги, соҳа ривожига хизмат қилишини таъкидладилар.

Мазкур сайёр қабулда кўтарилган барча муаммо ва масалалар юзасидан Ахборот технологиялари

ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан соҳа тизимидаги масъул шахсларга уларни ҳал этиш бўйича топшириқлар берилди.

16 апрел куни АКТ вазирлиги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамда филиалга қарашли таълим муассасаларида ҳам бўлди.

Хусусан, ТАТУ Қарши филиалида телекоммуникация факултети фаолиятининг тақдимоти билан ҳам танишди. Тақдимотда талабалар учун яратилган шароитлар, улар эришаётган ютуқлар, филиалнинг кейинги беш йиллик режалари бўйича атрофлича маълумот берилди.

АКТ вазирлиги ИТ соҳасига қизиқишини ошириш, уларнинг бу борадаги салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада юқори малакали IT-мутахассисларни тайёрлаш учун таълим сифатини оширишга бор куч-ғайрат ишга солиниши зарурлиги таъкидланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шерзод Шерматовнинг Open Web Academy ўқув маркази фаолияти билан танишуви ҳам самарали кечди.

Қарши шаҳрида жойлашган мазкур ўқув маркази IT соҳасида қатор ва долзарб йўналишлар, яъни веб дастурлаш, Андроид дастурлаш,

3D-дизайн бўйича мутахассисларни тайёрлайди. Шунингдек, болалар учун ҳам махсус курслар ташкил қилинган. Бугунги кунга қадар Open Web Academy ўқув маркази курсларини 250 нафардан ортиқ ёшлар тамомлаган.

Таширф доирасида ўқув маркази фаолияти тақдимоти ҳам ўтказилди. Унда марказ вакиллари ўз режа ва мақсадлари билан ўртоқлашди. Келгусида Open Web Academy ўқув марказида IT-English, Digital marketing, Foundation йўналишлари бўйича ўқув курсларини ташкил этиш кўзда тутилгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда ВРО-хизматларини ташкил этиш бўйича Open Web Academy ўқув маркази томонидан олиб борилаётган фаолият ҳам истиқболли йўналишларидан биридир.

АКТ вазирлиги Ш.Шерматов таъкидлаганидек, юқори маошли IT касбларни эгаллаш эвазига ёшларнинг бандлигини ошириш устувор йўналишлардан бири. Шу туфайли малакали IT кадрларни тайёрладиган ВРО марказларини ташкил этиш орқали ёшларни иш билан таъминлашга кўмак берадиган хусусий ўқув марказларнинг ҳиссаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

20 апрел куни ТАТУ Қарши филиалининг 1-сонли Академик лицейига ташрифда лицей ўқувчилари билан суҳбат уюштирилиб, фикр ва таклифлар алмашилди.

Қонунчилик

ПОЧТА АЛОҚАСИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлиси доирасида 19 апрел куни “Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни дастлабки тарзда кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Мажлисида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари Ж.Эгамбердиев ҳамда тегишли раҳбар-ҳодимлар иштирок этди.

Қонун билан Вазирлар Маҳкамасининг почта алоқаси соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда.

Почта алоқасининг хавфсизлиги почта алоқаси сирини ҳимоя қилишга, почта ва кураерлик жўнатмаларининг, почта алоқаси воситаларининг бут сақланишини таъминлашга қаратилган, қонунчиликда белгиланган тадбирлар мажмуидан иборатлиги назарда тутилмоқда.

Почта алоқаси фойдаланувчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқлаштирил-

моқда. Хусусан, пул маблағларининг почта ўтказмаларини почта манзили бўйича ёки йўқлаб олиш тарзида олиш ҳуқуқи кўзда тутиладиган бўлса, тақиқланган моддалар ва предметлар жўнатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланяпти.


Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг ўрнини қонунчиликка мувофиқ қоплаши мустақамланмоқда.

“Почта алоқаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши почта алоқаси соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантиришдаги кераксиз бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, қўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради.

Қўмита мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



БОЛАЛАРНИ КИТОБГА ОШНО ЭТАЙЛИК



Шу орқали уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш мумкин

Хар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлини қарасак, ўша мамлакатнинг жадал ривожланиши, муайян бир ютуқларга эришиши, халқининг фаровон бўлиши ёшларнинг таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражаси билан бевосита боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Шу сабабли ҳам, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президент Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ, бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоен қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гоёси “вируси” тарқалишининг олдини олишдири, бунинг учун ёш авлоднинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим.

Бугунги кунда республикамизда 19 316та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда жами 1 760 808 нафар тарбияланувчи, 10 008та мактабда эса, 6 236 751 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. 159та олий таълим муассасасига биргина 2021–2022 ўқув йилида 200 мингга яқин абитуриент ўқишга қабул қилинди, буни хар йили ўртача ҳисобда 150 000 деб олсак, тўрт йилда 600 минг нафар талаба олий таълим муассасаларининг талабаси бўлди. Демак, жами ўртача 8 500 000 нафардан ортироқ ёшларимиз таълим муассасаларимизда билим олишмоқда. Уларнинг таълим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, таъмирталаб бинолар қайта таъмирланмоқда, янгилари қуриломоқда.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг хар бир соҳага ва йўналишларга кириб борганлиги, инсонларнинг оғирини енгил қилаётганлиги сабабли мамлакатимиз фуқароларида, айниқса, ёшларимизда алоқа воситаларидан фойдаланиш кўникмаси пайдо бўлди. Бироқ, хар бир ижобий нарсанинг салбий томонлари ҳам бўлганидек, айнан мана шу кўникмадан салбий кучлар фойдаланиб қолишга уринишмоқда. Хусусан, киберхужумни амалга ошириш орқали ёшларимизнинг онгини захарлаш, уларни ҳатто ўзини ўзи ўлдиришга ундаш ёки бошқа тоифадаги жиноятларни содир этишга мажбурлаш ҳолатлари учраб турибди. Бундай салбий ҳолатларнинг кўпайишига эса баъзи ҳолларда ёшларнинг ўзлари имконият яратиб беришмоқда.

Шу ўринда, қандай имконият, деган савол туғилади. Гап шундаки, хар бир алоқа воситаси фойдаланувчиси ўзининг шахсий, оилавий ва шахсга доир маълумотларини телекоммуникация ва интернет тармоғига жойлаштиришмоқда. Миллий ва хорижий контентга

барча маълумотларнинг жойлаштирилганлиги кибержиноятчиларга қўл келяпти. Бундан унумли фойдаланган киберхужумчи контент фойдаланувчисининг нималарга қизиқиши, бўш вақтида нималар билан шуғулланиши, оилавий ва шахсий сирларни ташкил этувчи маълумотларнинг фойдаланувчи ҳаётида тутган ўрни, фойдаланувчининг ҳаёт ва келажак ҳақидаги фикр ва ўйлари қандай эканлигини олдидан билиши натижасида жабрланувчига психологик таъсир ўтказиши ва ўзининг манфур қилмишларини амалга оширади.

Бугунги кунда интернетдан фойдаланиш қоидаларининг йўқлиги, ундаги маълумотлар қайси қисмидан фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслиги бўйича кўникманинг мавжуд эмаслиги, ота-онанинг фарзандларини доимий назоратда ушлаб туриш имконияти пастлиги бу борадаги муносабатларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 139-Қонунига асосан, давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Демак, давлат боланинг хар қандай усул билан камситилиши ҳамда унинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етишининг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўриши зарурлиги ҳақидаги мажбуриятдан келиб чиқиб, юқоридаги муаммоларни ҳал этишга қонуний эҳтиёт мавжудлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун билан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган. Бироқ, ушбу қонунда болаларнинг телекоммуникация ва интернет тармоғидан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришда ота-оналар нималарга эътибор қаратиши, телекоммуникация ва интернетдан фойдаланиш қоидалари лозим даражада ёритилмаган. Агарда йўл ҳаракати қоидалари каби ушбу қонун билан тасдиқланган алоҳида қоидада юқоридаги муносабатлар белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Яъни, хар бир боланинг ёшига мутаносиб равишда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларга, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талаблар аниқ белгиланиши лозим, жумладан, хар бир ёшдаги бола қандай турдаги ахборот маҳсулотларидан фойдалана олишидан тортиб, то уларни тасарруф этишгача бўлган ҳолатлар, уларнинг алоқа воситаларидан фойдаланиш доираси чек-чегаралари, таълим ташкилотларида тарбияла-

нувчи, ўқувчи ва талабаларнинг алоқа воситаларини чеклаш ва уларда таълим ташкилотиде телекоммуникация ва интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Агарда ёш авлод бир кунда ҳеч бўлмаганда кундузи 4–5 соатдан китоб ўқиш билан машғул бўлиш орқали тармоқнинг доимий фойдаланувчиси сифатида ўз ўрнини китобга алоҳида вақт ажратса, ушбу 5 соатлик вақт йил давомида тахминан 1 825 соатни, йигирма йилда эса 36 500 соатни ташкил этади. 36500 соат давомида китоб билан ошно бўлган ўқувчининг эса оиладаги муҳит салбий бўлса ҳам, келажак ижобий бўлиши таъминланиши шубҳасиз. Бунинг учун эса ҳам ота-оналарнинг, ҳам тарбиячи, ўқитувчи ва устозларнинг бу борадаги маъсулиятини ошириш, бугунги кунда таълим ташкилотлари учун яратилаётган ахборот-коммуникация технологияларини ўқувчининг бўш вақтини мазмулли ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратадиган тизимга айлантириш мақсадга мувофиқ.

Масалан, Финляндияда ушбу тизим йўлга қўйилган бўлиб, ушбу давлатда барча ўқувчилар алоқа воситаларига эмас, балки китобга меҳр қўйишган. Ўқувчилар анъанавий тарзда баҳоланади, хар бир ўқувчи ўзининг билими учун баҳо олади. Топшириқларни интернет тармоғидан кўчирмачилик орқали бажариб эмас, балки мактабгача таълимдан то олий таълимгача бўлган ўзаро тизимли боғланган аниқ дарсликлардан фойдаланишиб, устозлари ўргатган билим ва кўникмаларни коррупциявий омиллардан холи бўлган баҳолаш тизими орқали баҳолашади. Мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим ўзаро тизимли боғланганлиги хар бир йўналишда етуқ мутахассислар етишиб чиқишига имконият яратади. Исландияда эса хар иккинчи инсон шоир ёки олим ҳисобланади. Буларнинг барига давлат зарур шарт-шароит яратиб берган.

Айнан шу хорижий тажрибалардан унумли фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда ҳам таълим соҳаси ҳамда болаларнинг телекоммуникация ва интернетдан фойдаланиш қоидалари тўлиқ қайта кўриб чиқиши, изчил таълим олиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоғи, энг муҳими, болаларнинг келажакдаги ҳуқуқларининг кафолати сифатида уларнинг телекоммуникация ва интернетдан хавфсиз фойдаланиш кафолатини таъминлайдиган механизм яратилмоғи даркор. Ана шундагина ижтимоий тармоқлардан узатилаётган ахборот маконидеги салбий ва ёт гоёларнинг ёшларимиз келажакига раҳна солиш имкониятини минимал ҳолатга келтириладиган, ёшларимиз интернетга ёки алоқа воситасига эмас, балки китобга ошно бўладиган тизим яратилади.

Беҳруза БАҲРИДИНОВА,
ИИБ Академияси
3-ўқув курси курсанти

Сайёр қабул

АҲОЛИ ҲУЗУРИДА

Ахборот технологиялари коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг навбатдаги сайёр қабули пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги “Катта Дўмбиробод” маҳалласида ўтказилди.

“Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси ҳамда вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу сайёр қабулда маҳаллада мобил алоқа қамровини яхшилаш, сифатли интернет хизматларини жорий этиш, почта хизматлари, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва бу борада аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида аҳолидан асосан юқори тезликдаги интернет хизматларини жорий этиш, мобил алоқа хизматлар сифатини янада яхшилаш каби аризалар келиб тушди. Мурожатлар бўйича керакли тушунтиришлар берилди ҳамда вақт талаб қиладиганлари юзасидан Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган алоқа корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда мобил алоқа компанияларига тегишли топшириқлар берилди.



МИНИФКОМ ВЫСТУПИЛ С ПРЕДЛОЖЕНИЕМ ОТКРЫТЬ ОФИС РАЗРАБОТКИ MICROSOFT В УЗБЕКИСТАНЕ



На совещании, прошедшем 14 апреля при Президенте Республики Узбекистан по достигнутым результатам в сфере информационных технологий и задачам на 2022-й год, руководителем страны была подчеркнута необходимость превращения Узбекистана в региональный IT-центр.

Исходя из этого, Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов провел встречу в онлайн-формате с представителями компании Microsoft.

Во встрече также приняли участие представители компании Microsoft, Американско-Узбекской торговой палаты, Посольства Узбекистана в США.

В ходе встречи были обсуждены актуальные и перспективные направления сотрудничества. Серьезное внимание было уделено вопросам развития IT-образования. Рассмотрены вопросы еще большего привлечения молодежи в эти процессы, подготовки квалифицированных кадров.

Также со стороны Мининфокома было предложено открыть офис разработки компании в Узбекистане.

Стороны выразили готовность к дальнейшему укреплению сотрудничества и продолжению работы по реализации совместных проектов.

СОСТОЯЛАСЬ ВСТРЕЧА С РУКОВОДСТВОМ КОМПАНИИ «ЯНДЕКС ТАКСИ» ПО СТРАНАМ СНГ

Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов провел встречу с управляющим директором компании «Яндекс Такси» по странам СНГ Кириллом Свинцовым.

На встрече был обсужден ряд вопросов. В частности, Министром ИКТ было выдвинуто предложение по получению компанией статуса резидента IT-Park.


Также было отмечено, что компания сегодня все активнее действует на рынке Узбекистана, создает удобства для граждан.

Вместе с этим, был положительно отмечен факт расширения деятельности компании в Узбекистане, его широкое внедрение и в областных центрах.

Стороны отметили готовность к укреплению сотрудничества и реализации совместных проектов.



ЕРАМ РЕЛОЦИРОВАЛА ДО 1000 РАБОТНИКОВ ИЗ РОССИИ И БЕЛАРУСИ В УЗБЕКИСТАН



Разработчик программного обеспечения ERAM Systems переезд в Узбекистан до тысячи российских и белорусских специалистов. Об этом сообщает Forbes Russia.

Один из сотрудников компании, переехавший в Узбекистан, сообщил о помощи при релокации со стороны компании «и финансово, и с поиском самолета и жилья». ERAM оплачивает для всех желающих работников и их семей перелёт, а также проживание и суточные

расходы в первый месяц. «У нас в общем чатике для Узбекистана около 600 человек, так что, скорее всего, [ERAM перевезла в Узбекистан] до тысячи [работников]», — приводит издание слова работника IT-компании.

Как сообщил местный предприниматель, работники ERAM составляют до 80% всех приехавших в Узбекистан из России и Беларуси. Гостиницы в стране заполнены, утверждает собеседник Forbes.

Информацию о переезде российских сотрудников ERAM в Узбекистан подтвердил также один из российских инвесторов компании, находящийся в стране. Со слов работников, для релокации предлагают на выбор 10 стран — например, спросом пользуются Грузия и Армения.

ERAM, основанная в 1993 году в США выходцами из Беларуси, располагала несколькими российскими офисами. Всего в них работало 6190 человек.

В начале апреля IT-разработчик анонсировал решение прекратить работу в России и покинуть страну, назвав причиной боевые действия в Украине. Сотрудников российских подразделений начали перевозить за рубеж.

По данным IT-Park, с начала года в Узбекистан переехали свыше 3000 иностранных IT-специалистов. С 1 апреля заработала программа упрощённой выдачи им специальных виз на 3 года. Глава Мининфокома Шерзод Шерматов обещал поддержать релокацию зарубежных IT-фирм.

ВБ НАМЕРЕН ДАТЬ УЗБЕКИСТАНУ \$20 МЛН. НА ЦИФРОВИЗАЦИЮ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Всемирный банк предоставит Узбекистану средства на создание цифровой системы для сельского хозяйства. Об этом сообщили в Минсельхозе.

Замминистра сельского хозяйства Кахрамон Юлдашев и директор Центра цифровизации агропрома Саидяззам Алимов встретились с представителями ВБ. На встрече присутствовали представители НИИ, а также разработчики из VePro.

Участники обсуждали реализацию проекта по модернизации сельского хозяйства, реализуемого с участием ВБ. VePro и Центр изучили цифровую инфраструктуру 35 министерств и ведомств, а также 14 организаций, входящих в агропромышленный комплекс.

В рамках проекта достигнута первоначальная договорённость с ВБ о выделении \$20 млн на разработку единой интегрированной платформы «Цифровое сельское хозяйство».

Из них \$8,2 млн. пойдут на систему управления земельными ресурсами, \$5 млн. — на управление водными ресурсами. Ещё на \$6,8 млн. закупят оборудование, подготовят инфраструктуру и техническое обеспечение.

МИНВУЗ СООБЩИЛ О ЗАПУСКЕ ВИДЕОПОРТАЛА В TAS-IX ДЛЯ СТУДЕНТОВ

Минвуз запустил образовательный видеопортал для студентов в сети TAS-IX, сообщили в АИМК.

Сайт призван повысить успеваемость учащихся. На нём выкладываются видеуроки, подготовленные совместно с «наиболее квалифицированными профессорами и преподавателями» институтов и университетов Узбекистана.

Сейчас на портале доступно более 400 видеороликов. Сюда входят телеуроки, а также записи лекций и семинаров из Национального университета Узбекистана, ТУИТ, ТГЭУ, ТГЮУ и других вузов — как Ташкента, так и других городов.

Видеопортал расположен по адресу tube.edu.uz.

Также Минвуз напомнил о работе платформы методического обеспечения Profedu, созданной Институтом педагогических инноваций и повышения квалификации в сфере профобразования. На ней есть онлайн-программы для студентов и преподавателей.

Сейчас на Profedu доступно почти 500 материалов, в том числе учебная литература и краткие курсы. Из них 152 предназначены для сферы начального профобразования, 196 — для среднего и 106 для среднего специального профобразования.

Платформой пользуются свыше 13 тысяч человек. Сайт находится по адресу edu.profedu.uz.



HUAWEI АВТОБОЗОРГА КИРМОҚЧИ

Хитойлик таниқли автоблогер Ву Пэй Huawei компаниясининг ижрочи директорларидан бири, Smart Car solutions бош директори Ю Чэндундан интервью олди.

“Huawei компаниясининг мақсади — автомобиллар бозорига тўлиқ ихтисослашган биринчи смартфон брендига айланиш”, — деди Ю Чэндун.

АҚШ санкциялари компаниянинг мобил ишланмалар йўналишига таъсирини ўтказмай қолмади, шу боис бизнес-жараёнларга янгиланишлар керак бўляпти. Ана шу янги ва асосий йўналишлардан бири автомобиллар. Яқинда Huawei компанияси ўзининг АІТО М7 кроссовери фотоларини эълон қилганди. АІТО М7 брендининг флагман кроссовери сифатида кўрилмақда. Ушбу кроссовер — гибрид машина, асосий кучни электр мотордан олади. Гилдиракни айнан у айлантиради, 1,5

литрли турботўртлик генератор вазифасини бажаради ва электр энергияси ишлаб чиқаради. Худди шундай технология Nissan Qashqai гибрид машиналарида ҳам қўлланилмақда.

Ҳадемай йўлларда Huawei машиналарини учратсангиз, ажабланманг. Компания янги йўналишда қанчалик узоққа боради — кўрамиз, ҳар ҳолда бу йўлларнинг ҳам ўз “бўрилари” бор.

ДУНЁДАГИ БИРИНЧИ КРИПТОВАЛЮТА КАРТАСИ ЧИҚАРИЛАДИ




Nexo криптовалюта компанияси ҳамда Mastercard дунёдаги биринчи криптовалюта картасини чиқаради. Бу ҳақда Reuters хабар берди.

Бошқа карталардан фарқи: бир қарашда лимитсиз кредит картаси каби ишлайди, аммо гаровга фойдаланувчининг криптоактивлари қўйилади. Карта эгаси ўз криптовалюталари қийматининг 90 фоизигача пулларни сарфлаши мумкин.

Ушбу карталар дастлаб Европада яшовчилар учун тақдим этилади. Бу карталар билан дунёдаги Mastercard карталари ўтадиган қарийб 100 миллионга савдо нуқта-сида харидни амалга ошириш мумкин бўлади.

ФУТБОЛ ЖАМОАСИ ЛИБОСЛАРИДАГИ РАҚАМЛАРНИ QR- КОДЛАРГА ЎЗГАРТИРДИ



Марказий Флорида университети футбол жамоаси — UCF ўз либосларидаги анъанавий рақамлар ўрнига QR-кодларни жойлади.

Жамоа янги формасини Twitterда кўрсатди. Энди америкача футбол ўйновчиларнинг фамилиялари остида махсус QR-кодлар бор: уларни сканерлаб UCF жамоаси веб-сайтига кириш ва футболчиларнинг биографияси билан танишиш мумкин.

Рақамларга ўрганган мухлислар рақамлаштиришга нечоғлиқ шай? Стадионга келиб сайтга кирадими ё футбол томоша қиладими? Янгилик қулайлик туғдирадими

ё аксинча — ҳозирча бир нима дейиш қийин.

ҲАТТО ЁЗУВЛАР ҲАМ РОССИЯНИ ТАРК ЭТЯПТИ: TIMES NEW ROMAN, ARIAL,...

АҚШнинг Monotype студияси кенг оммалашган Times New Roman, Arial, Verdana, Tahoma ва Helvetica шрифтларининг ҳуқуқ эгаси саналади. Компания ўз каталогини россиялик фойдаланувчилар учун ёпишини эълон қилди.

Компания ўз қарорини россиялик шериклар билан ҳамкорлик қилиш имконини бермайдиган “ҳозирги вазият” билан изоҳлади.

Monotype шрифтлари Microsoft сервисларида — Windows операцион тизимидан тортиб Microsoft Office офислар пакетига кенг қўлланилади.



Халқаро ҳаёт

ҚОЗОҒИСТОН “СУПЕРПРЕЗИДЕНТЛИК” ДАН ВОЗ КЕЧИШ АРАФАСИДА



Қозоғистонда давлат раҳбарининг айрим ваколатларини чеклашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Ушбу ҳужжат президентнинг Қозоғистон халқига “Янги Қозоғистон: янгиланиш ва модернизация йўли” мурожаатномасини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси доирасида ишлаб чиқилди, дейилади Zakon.kz хабарида.

Қозоғистонда бошқарувнинг суперпрезидентлик модели шаклланган. Мамлакат тараққиётининг дастлабки босқичида бу ўзини оқлади. Бироқ жамият ўзгармоқда, мамлакат ўзгаришти. Сиёсий тизим эса доимо янги воқеликка мослашиши керак, дея таъкидлашган ҳужжат муаллифлари. Бугун мамлакатда деярли ҳамма нарса президентга бориб тақалади, туб хато ана шунда. Бундай амалиётдан аста-секин воз кечиш керак.

Партия тузилмаларининг давлат аппарати билан чатишиб кетганлиги ҳам салбий ҳолат, дея баҳоланмоқда. Сиёсатдаги монополия турли ижтимоий бузилишлар ва давлатнинг таназзулга олиб келади.

Қозоғистон президенти ваколатларига доир тақлиф этилаётган ўзгаришлар:

■ Президент ўз ваколатларини амалга ошириш даврида сиёсий партияларга аъзолигини қонун йўли билан тақиқлаш;

■ Президентга вилоятлар, республика аҳа-

миятидаги шаҳарлар ва пойтахт ҳокимларининг қарорларини бекор қилиш ёки тўхтатиб туриш ҳуқуқини берувчи ваколатларини чиқариб ташлаш;

■ Президентнинг вилоят аҳамиятига эга туманлар ва шаҳарлар, шаҳар туманлари, туман аҳамиятига эга шаҳарлар, қишлоқлар, посёлкалар, қишлоқ округлари ҳокимларини лавозимидан озод этиш ҳуқуқини бекор қилиш;

■ Президентнинг яқин қариндошлари давлат органлари ва давлат иштирокидаги сектор субъектларида раҳбарлик лавозимларини эгаллашини қонун йўли билан тақиқлаш.

КОБУЛДАГИ ИККИТА МАКТАБДА ПОРТЛАШ БЎЛДИ

Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридаги Иккита мактабда 19 апрел куни портлаш содир этилди.

Биринчи портлаш Қалъаи Нов туманида жойлашган “Мумтоз” мактабиде юз берган, гувоҳларнинг айтишича, қўл гранатаси портлатилган. Оқибатда 6 киши ҳалок бўлган, 10 дан ортиқ одам жароҳатланган.



“Абдулраҳим Шаҳид” мактабидеги портлаш оқибатида эса 22 киши ҳалок бўлгани айтилади, жароҳатланганлар сони аниқ эмас. Портлаш жабрланганлари ҳақидаги маълумот ҳар дақиқада ўзгариётгани айтилган.

Теракт учун жавобгарликни ҳозирча ҳеч бир жангари гуруҳ ўз зиммасига олган эмас.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ САНКЦИЯЛАРНИНГ ОЛТИНЧИ ПАКЕТИНИ ТАЙЁРЛАЯПТИ

Европа иттифоқи Украинага ҳужум қилган Россияга қарши санкцияларнинг олтинчи пакетини тайёрляпти. Бу ҳақда Еврокомиссия раиси Урсула фон дер Ляйен 17 апрел куни Bild am Sonntag нашрига берган интервьюсида маълум қилди.



Еврокомиссия ҳозир ақлли механизмлар ишлаб чиқариш жараёнида, уларнинг қўлланилиши натижасида навбатдаги санкциялар Россия нефтини ҳам қамраб олади, деди Урсула фон дер Ляйен.

Шунингдек, Еврокомиссия раҳбари янги пакет санкциялари Россия банк секторига ҳам қаратилиши мумкинлиги уруғ берди.

“Айниқса, ушбу секторнинг 37 фоизини ташкил этувчи “Сбербанк”ни ўрганишимиз”, — деди у.

“Медуза” нашри ёзишича, Россиянинг энг йирик банки “Сбербанк” ҳозирча санкцияларга тушмагани, чунки “Газпромбанк” билан биргаликда Россия нефти ва газ ҳисоб-китоблари учун асосий каналлардан ҳисобланади. Евроиттифоқ шу пайтгача Россияга санкцияларнинг бешта пакетини қўллаган. Рус банкларидан “ВТБ”, “Открытие”, “Новикомбанк” ва “Совкомбанк” евросанкцияларга тушган, улар SWIFT тизимидан узиб қўйилган.

ШУКРОНАЛИК ЗАВҚИ

Аёл зоти қай жабҳада ишлашдан қатъи назар, у ҳеч муволафасиз меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни шакллантириш ва барқарорлаштиришда алоҳида ўрин тутади. Шу жумладан, алоқа тизими корхона ва ташкилотларида ҳам. Шу боис, ижтимоий ва меҳнат фаолияти касаба уюшмасида кечадиган хотин-қизларни ушбу ҳаётий мезонларсиз тасаввур этиш қийин.

Ўзининг 60 йиллик таваллуд айёмига ниҳоятда катта шукроналик ва завқу шавқ билан пешвоз чиққан Олия Шукурлаева ҳақида сўз борганда, беихтиёр ана шундай ўй-хаёлларга борасан, киши. Меҳнат фаолиятининг роппа-роса 37 йилини Бухоро вилояти алоқа соҳаси билан боғлаган, ушбу даврнинг 18 йилини эса “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасида ишлашга бағишлаган О.Шукурлаева 1980–1985 йилларда Тошкент электротехника алоқа институтида радиоалоқа ва радиоэшиттириш муҳандиси мутахассислиги бўйича билим олганида, олий ўқув юртини битиргач, 1985–2004 йиллар давомида Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ҳамда “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиалида оддий муҳандис, ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси, алоқа воситаларидан фойдаланиш узели лойиҳалаш гуруҳи муҳандиси, филиал умумий бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаб, ўз билим ва малакасини оширгани унинг шундан кейинги касаба уюшмаси кўмитаси раиси сифатида ходимлар кўнглига йўл топишида қўл келгани аниқ. Ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш, улар соғлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга салкам 20 йил давомида бошқош бўлгани О.Шукурлаевага чинакамига обрў-эътибор келтиргани рост. Ушбу изчил фаолиятнинг эса барча касаба уюшма ташкилотларида бўлганидек, кейинги пайтда Бухоро филиалида ҳам “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонун асосида йўлга қўйилганлиги муваффақиятлар омили бўлгани бор гап.

Корхонада иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш, унга ходимлар учун кўшимча имтиёзлар киритиш ва улардан тўғри фойдаланилишига эришиш касаба уюшма кўмитаси аъзоларининг доимий эътиборида бўлгани боис, ходимлар ва ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, улар иштирокида юртимизнинг баҳаво жойлари, тарихий шаҳарлари, табаррук қадамжоларига саҳатлар ташкил этиш, касаба уюшмаси



юқори ташкилотлари томонидан уюштирилладиган турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида иштирок этишда ва бошқа кўпдан кўп тадбирларни уюшқоқлик ва юқори даражада ўтказишда кейинги 18 йил давомида бирор бир узилиш кузатилгани йўқ. Вилоят ва республика миқёсидаги турли кўрик-танловлар ва спорт баҳслари давомида қўлга киритилган ютуқлардан далolat берувчи қўйидаги мисоллардан ҳам буни билиб оلسа бўлади.

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация корхоналари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловининг вилоят босқичида “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали жамоасининг “Ташкилотдаги меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳолати ҳамда меҳнат шароитлари” номинацияси бўйича юқори ўринни қўлга киритиб, 1-даражали Диплом билан тақдирлангани, 2015 йилнинг апрел ойида Тошкент вилоятининг Ўстонлик туманида “Соғлом она – соғлом авлод” шиори остида ўтказилган республика аёллар спорт фестивалида бухоролик алоқа соҳаси хотин-қизларининг “Энг латофатли ва жозибador жамоа” номинациясида ғолиб бўлишгани, ундан бир йил олдин эса худди шундай шиор остида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган маданий тадбир танловида ҳам бухоролик алоқачиларнинг қўли баланд келиб, фахрли 1-ўринни эгаллашгани барча ҳамкасблари ва яқин дўстлари қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйротган. Футзал, стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка ва бошқа бир қатор спорт турлари бўйича ташкил этилган кўплаб мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари

сафида Бухоро филиали, шаҳар ва туман телекоммуникация боғламаларининг ҳаваскор спортчилари борлиги қувонарлидир.

Ўтган 2021 йилда вилоят алоқа корхоналари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича ўтказилган баҳсларнинг “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали фойдасига поёнига етгани, ғолиб жамоа АКТ вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланганлигини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз.

Даволаниш ёки дам олишга эҳтиёж сезадиган алоқа соҳаси ходимларининг касаба уюшмаси кўмитаси ва унинг 2004–2022 йиллардаги жонкуяр раиси О.Шукурлаева эътиборидан четда қолгани йўқ. Кўплаб алоқачилар ана шундай имкониятдан фойдаландилар ва бундан кейин ҳам баҳраманд бўлишлари турган гап. Филиал тасарруфидаги “Ёш алоқачи” болалар оромгоҳи эса пандемия даврини ҳисобга олмаганда, ҳар йили ёз фаслида ўғил-қизлар билан гавжум бўлади.

Мана шуларнинг ҳаммаси Олия Шукурлаеваниннг ўз иш фаолияти давомидаги ташаббускорлиги, янгилликка интилиши, касаба уюшмаси юқори ташкилотлари тавсия ва кўрсатмалари асосида ва амалдаги қонунларга қатъий риоя этган ҳолда фаолият олиб борганидан далolat беради.

Ушбу ёрқин фаолият бардавомлигини эса “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали касаба уюшмаси кўмитасининг яқинда ўтказилган навбатдан ташқари конференциясида янги сайланган кўмитаси (раиси Жамшид Эгамов)нинг Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тегишли йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тузилган иш режаси ва устувор вазифаларидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Маълум бўлишича, ана шундай галдаги вазифалардан бири вилоят алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларида узоқ йиллар ишлаб, ҳозирги пайтда кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонлар иштирокида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор масканларига навбатдаги саёҳатни ташкил этишдан иборат экан. Бу борада ва шундан кейинги чора-тадбирлар ижросида ҳам касаба уюшмаси тизимида кўп йиллик иш тажрибасига эга Олия Шукурлаеваниннг фойдали маслаҳат, тавсия ва йўл-йўриқлари асқотиши аниқ.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги муҳбири

Маҳорат дарслари



ДАСТУРЧИЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси ўқитувчилари Жамшид Уринов ва Зафар Ғайратовлар Оқдарё туманидаги 47 ва 45-ихтисослашган давлат умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Самарқанд туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабида маҳорат дарслари ўтказишди.

Мактабларнинг юқори синф ўқувчилари қатнашган маҳорат дарсларида улар One Million Uzbek Coders (“Бир миллион ўзбек дастурчиси”) платформаси асосида дастурлаш йўналишининг тўрт босқичи бўйича сертификат олишнинг долзарблиги ва афзалликлари ҳақида тушунчалар беришди.

Мактабларда ўтиладиган бундай маҳорат дарслари ўқувчиларнинг ахборот технологияларига бўлган қизиқишларини янада ошириб, келажакда етуқ дастурчилар сафи кенгайишига хизмат қилади.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

Эълон!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРАЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиби-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни 33-моддасига асосан:

“NETWORK LINE SERVIS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2021 йил 1 апрелда берилган АА серия 0007119 рақамли лицензияси 2022 йил 1 апрелдаги 01/04-сон аризаси берилган санадан;

“GORODOK SVR-TV” хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) 2022 йил 12 апрелдаги 12/04-сон аризаси берилган санадан;

– маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 30 августда берилган АА серия 0005931 рақамли;

– теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2015 йил 27 июлда берилган 0005634 рақамли лицензиялари бекор қилинди.

2020 йил кўкламининг биринчи ҳафтасида марғилонлик почтачиларга ilk марта беш дона скутер тантанали равишда топширилган, соҳа ходимлари қалбини эртанги кундан умидворлик туйғулари қамраб олганди. Ўша тақдимотда “Ўзбекистон почтаси” АЖ ишлаб чиқариш директори Отабой Раҳимов иштирок этган ва скутерлар тажриба-синов сифатида тақдим этилаётганини айтиб, ушбу қулайлик иш сифати ва самардорлигини оширишига ишонч билдирган эди. Чиндан ҳам тажриба-синов ўзини оқлади. Хат-хабарлар етказиш 72 соатни эмас, нари борса бир суткани ташкил этмоқда.

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Фарғоналик почтачиларга тўртта Caddy Cargo, учта Damas ва 50та электроскутерлар топширилди



Почта соҳасини ривожлантириш долзарб муаммо тусини олаётганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4921-қарорига асосан Фарғона вилоятида ҳам миллий почта тизимини ислоҳ қилиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, хизматларни тўлиқ автоматлаштиришга жиддий киришилди. Ана шу мақсадда яқинда вилоятдаги почта алоқа боғламалари янги 21та компьютер ва 129та кўп функцияли ускуна-принтерлар, почталонлар аҳолидан коммунал тўловларни онлайн тартибда қабул қиладиган 210 дона махсус мобил онлайн касса аппаратлари билан таъминланди. Хизматларни ривожлантириш, рақамлаштириш, жўнатмаларни қабул қилиш, кузатиб бориш ва етказиб бериш жараёнлари мuddатлари кескин қисқарди, энг муҳими, хизмат шаффофланди. Айниқса, юздан ортиқ иш ўринлари яратилганни айни мuddао бўлди.

Калитларни эгаларига топшириш онлари кўплар учун унутилмас бўлиб қолиши табиий. Жумладан, Қорақўшчи (Қўштепа) почта алоқаси боғламаси Пахтакор алоқа

бўлими ходими Тўлқинжон Холмирзаев қувончини баҳам кўрди: “Нимасини айтасиз, 22 йил мобайнида бир мартагина велосипед беришган. Худудим катта, 12 км. радиусда юраман. Мана, энди росмана яйраб ишлайдиган бўлдим. Мутасадди раҳбарларимиздан чексиз миннатдорман. Катта раҳмат барчасига!”

Тадбирда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали директори ўринбосари Алижон Мелиев почтани ихтисослашган бозорда юқори поғонага кўтариш мавзусига ургу берди. Жалб қилинаётган техникалар ва маблағлар ижобий ўзгаришларга кенг йўл очилиши учун ҳар бир почтачи масъул эканлигини таъкидлади.

Тақдимотдан хулоса шуки, почтачилик – элга хизматкорлик касбининг нуфузини ошириб бориш керак. Бунинг учун ким бўлмасин, соҳанинг қайси жабҳасида ишласин, инсон ўзига мен бугун почта учун нима қилдим, деган саволни бериши керак. Кун ўтса бўлди, деган замонлар ортда қолди. Зарур илмларни ўрганиш фарз эканлигини теран англаб, ҳар бир ходим почта илмини мукаммал эгаллаши ва бунинг амалда намоён этиб ишлаши шарт.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



АЛОҚА ТАРИХИ МУЗЕЙИГА САЁҲАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус, жумладан, учинчи ташаббус доирасида АКТ вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан жорий йилнинг 21 апрел куни 2-сонли Академик лицейининг 1-босқич ўқувчилари учун Ўзбекистон Алоқа тарихи музейига экскурсия уюштирилди.

Ёш авлодни Ватанга ва соҳага садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш ва кучайтириш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу саёҳатда ўқувчилар ахборот технологияларига бўлган қизиқишини янада кучайтириш, алоқа, почта, радио ва телевидение, мобил алоқанинг яратилиш тарихи ва бугунги кунгача бўлган даврда технологияларнинг ривожланиш жараёнлари, Ўзбекистон алоқа соҳасининг ривожланиш босқичларини ўзида акс эттирган экспонатлар билан яқиндан таништирилди.



Ўқувчилар гуруҳи мазкур экспозицияларни завқ билан томоша қилишди. Ўзларини қизиқтирган саволларига музей мутахассисларидан тўлиқ жавоб олишди.

Улар музейдан катта таассурот ва кўтаринки руҳда қайтдилар.

Солижон ЗОИРОВ, “Xabar” мухбири

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>	<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p>		<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p>									
	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda “Xabar”dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Abdurashid BAKIROV.</p>									
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	<p>Г-459 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3165</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>								
<p>Viloyat muxbirlari:</p>	<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>	<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>	<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>	<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	<p>Nukusda 554-35-45</p>	<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>	<p>Termizda (99)508-30-52</p>	<p>Toshkentda 234-18-59</p>	<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>	<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	<p>Qarshida (93)931-08-99</p>